

«ТАСДИҚЛАНГАН»
Кузатув кенгаши йиғилишининг
29.06.2016 й.3-2016-сонли баённомаси
билан

**«Узавтосаноат» акциядорлик жамияти Бошқаруви тўғрисидаги
НИЗОМ¹**

I. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом «Узавтосаноат» акциядорлик жамияти (мант бўйича Компания) ижроия органининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини сайлаш (тайинлаш), шунингдек ижроия органи аъзоларининг ҳар бирини ҳуқуқлари (ваколатлари) ва мажбуриятларини тартибга солади. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш коллегияли ижроия органи — Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

1.2. Низом Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни ва Компания Устави, кциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг баённомаси билан 11.02.2016й. № 02-02/1-187 тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексининг тавсиялари ҳамда Компаниянинг бошқа ички мувофиқ ишлаб чиқилган.

II. Компания Бошқарувини ташкил этиш тартиби

2.1. Компания Бошқаруви раис ва раиснинг учта ўринбосарларидан иборат. Компания Бошқаруви раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимига Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлангандан сўнг Ягона акциядор томонидан сайланадилар (тайинланадилар). Бошқарув фаолиятига Бошқарув раиси раҳбарлик қилади. Бошқарув аъзолари номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш шахсий таркибда кўриб чиқилади. Бошқарув аъзоси номзоди Компанияга уни жиний жавобгарликка жалб этилганлиги тўғрисидаги фактлар ҳақида хабар бериши мажбур.

Ягона акциядор томонидан Бошқарув таркибига номзодлар сайлангач, Кузатув кенгаши раиси Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси билан мансаб мажбуриятларини бажариш бўйича меҳнат шартномаси тузулишини маълумот беради.

Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилади, ҳамда уларнинг ҳар бири Жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилинади.

¹ Мазкур Низом рус тилида тасдиқланган. Матннинг давлат тилига таржимаси ахборот мақсадлари учун. Агарда ноаниқлик пайдо бўлса, илтимос, Низомнинг асл матнига мурожаат қилинг.

Бошқарув раиси Компаниянинг ижро аппаратини шакллантиради ва бошқаради, Компаниянинг таркибини Ягона акциядор билан келишилган ҳолда белгилайди, Компанияга юклатилган вазифаларни бажариш учун маъсул бўлиб, Бошқарув аъзолари уртасида масъулиятни тақсимлайди.

2.2. Компания Устави, шунингдек меҳнат шартномаси шартларининг бузилганлиги учун Бошқарув аъзоси эгаллаб турган мансабдан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши билан озод этилиши мумкин. Компания Бошқаруви аъзоси билан шартноманинг бекор қилиниши ҳақидаги қарор Ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

Компания Ягона акциядори Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у Компания уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли йиллик бизнес-режа параметрлари буйича Компанияга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

III. Бошқарувнинг ваколати ва таркиби

3.1. Компания Бошқарувининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар, Ягона акциядор ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно;
- қарз, кафиллик, молиявий (хомийлик/хайрия) ёрдами, гаров, кучмас мулкни бегоналаштириш тугрисидаги битимларни тузиш, унинг яқунлари Ягона акциядор ва Кузатув кенгашининг ваколатига доирасига киритилган битимлар тузиш бундан мустасно;

3.2. Бошқарув аъзолари Кузатув кенгаши томонидан олдиндан маъқулланган Компания фаолиятининг натижалари тўғрисида Ягона акциядорга йиллик ҳисобот тақдим этади, шунингдек, Компания фаолиятининг натижалари тўғрисида Кузатув кенгашига чорак ҳисоботини тақдим этади. Бошқарув Компаниянинг барча фаолияти учун, шунингдек, ўз иш юритувини тўғри ва виждонан бажариши учун маъсулдир. Бошқарув қарорлари оддий кўрчилик овоз билан қабул қилинади. Бошқарув раиси қарор қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

3.3. Бошқарув таркиби Компаниянинг Уставига мувофиқ белгиланади.

3.4. Бошқарув аъзолари Компания Уставида белгилаб қўйилган ваколат доирасида, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, Ягона акциядор, Кузатув кенгаши, Бошқарув қарорлари ва Бошқарув раиси кўрсатмаларига амал қилади.

3.5. Компания Бошқаруви ўз иш режалари билан тасдиқланган тузилмалар таркибига кирадиган корхоналарнинг ишлаш кўрсаткичлари ва бажариладиган ишлар бўйича мунтазам ҳисоботларни тайёрлайди ва тақдим этади.

3.6. Компания Бошқаруви Компания раҳбариятининг ўз мажбуриятларини профессионал асосда бажариши, уларнинг қонунчилиги, Уставига ва Компаниянинг бошқарув органларининг қарорларига мувофиқ оқилона мажбуриятларини бажаради.

3.7. Компания Бошқаруви Компаниянинг ташкилий тузилмаси миқёси ва саноатига хослиги ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720-сонли билан тасдиқланган “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувининг замонавий усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонининг стандарт тузилишига мувофиқлигини таъминлайди.

3.8. Бошқарув аъзоларини моддий рағбатлантириш Компаниянинг фаолияти самарадорлигига қараб амалга оширилади. Бошқарув аъзолари жамоа шартномасининг шартлари, Компаниянинг бошқа ички ҳужжатлари бўйича ходимлари учун рағбатлантирувчи ва моддий чоралари кўриши керак.

IV. Бошқарув раиси

4.1. Бошқарув раиси Компаниянинг фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни мустақил равишда ҳал қилади, Ягона акциядор, Кузатув кенгаши ёки Бошқарув ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

4.2. Бошқарув раиси қўйидаги ҳуқуққа эга:

- Компаниянинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- Компания номидан ишончномасиз иш юритиш, ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- бошқа шахсларга ишончномаларни бериш;
- Компания филиал ёки ваколатхонаси раҳбарларини лавозимга тайинлаш;
- Компания номидан Ягона акциядор, Кузатув кенгаши ёки Бошқарув ваколоти доирасидан ташқари бўлган битимларни тузиш;
- ўз ваколоти доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимлар (умумий қиймати қарор қабул қилинган санада Компания соф активларининг 15 фоизигача ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир қанча битимлар) тузиш;
- штат жадвалларини тасдиқлаш;
- Компания ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш шакли ва миқдорини, рағбатлантириш ва мукофотлаш турини белгилаш;
- Компания ижро девони ходимлари ва филиаллар, ваколатхоналар ва унитар корхоналар мансабдор шахсларини ишга қабул қилиш, бўшатиш, лавозимдан лавозимга ўтказиш;
- банкларда ҳисоб рақамларини очиш;
- Компаниянинг ваколотига тааллуқли масалалар бўйича конунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини куриб чиқиш учун тегишли тартибда Ҳукуматга тақдим этиш;
- унитар корхоналарининг низомлари ва уставини тасдиқлаш;
- Компаниянинг ишлаб чиқариш ва хужалик фаолияти погнотининг асосий параметрларини, Компания ижроия девони ходимларининг штат жадвалларини, ижроия девонига иктисодий сметани тасдиқлаш, шунингдек, уларни амалга оширишга одамлар билан кўплаш;
- ижроия аппаратининг ходимларини рағбатлантириш тугрисидаги низомни тасдиқлаш, улар учун расмий маошлар ва нафакалар тайинлаш, шунингдек ижроия аппарати ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида турли қўшимча туловлар ва компенсация туловлари билан рағбатлантириш;
- Компаниянинг ижро аппарати илгор ходимларини соҳа бўйича кўкрак нишони, фахрий унвонлари ва сертификатлари билан тақдирлаш ва бошқа турдаги рағбатлантиришларни кўллаш;

- конун хужжатларида белгиланган тартибда карзларни, эскириб колган ва жимонан эскирган мол-мулкни кайтариб олиш учун Компания балансида олинадиган суммаларни ҳисобга олиш тугрисидаги қарорларни тегишли булинмалар томонидан тақдим этилган материаллар буйича тухтатилган еки такомиллашмаган ишларни бажариш учун сарфлаш тугрисида қарор қабул қилиш;

- Компания аъзолари булган унитар қорхоналарнинг молиявий-хужалиқ фаолиятини текшириш буйича қарорларни қабул қилиш ва аниқланган қамчиликларни бартараф этиш буйича зарур қораларни қуриш.

4.3. Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

- валолати доирасида Компаниянинг қулик иш фаолияти бошқарувини амалга ошириш, унинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлайдиган Ягона акциядор ва Қузатув қенгашининг муқлак вақолатиға тааллуқли масалалар бундан мустансно;

- Компания Ягона акциядори ва Қузатув қенгашининг қарорларини бажарилишини ташқил этиш;

- Компаниянинг тарқибий булинмалари уртасида самарали ҳамқорликни таъминлаш;

- Компаниянинг шартнома мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш;

- даромадни таъминлаш;

- Компаниянинг дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб қикишни бошқариш, уларнинг бажарилишини ташқил этиш ва назорат қилиш;

- Компания фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш;

- қонунчиликка мувофиқ Компанияда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташқил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларға ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларға, қредиторларға ва бошқа олувчиларға юбориладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Компаниянинг молия-хўжалиқ фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Қузатув қенгаши, тафтиш қомиссияси ёки аудиторлари талабига қўра тақдим этиш;

- давлат статистика ҳисоботини тегишли органларға тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

- Компаниянинг тижорат сирини ташқил этувчи ахборотларни сақлаш, агарда мазкур ахборот учинчи шахсларға берилиши унинг мажбуриятиға қирмаса;

- хизмат ёки тижорат сирини ташқил этувчи ахборотнинг Компания ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

- Компания номидан ҳужжатлар, Бошқарув йигилиш баенномаларини имзоланишини, Бошқарув йигилишини ташқил этиш;

- Компанияни малақали қдрлар билан таъминлаш, Компания ходимларининг билими, малақаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш қораларини қуриш;

- меҳнат ва технологик интизомни сақлаш;

- ходимлар учун ижтимоий қафолатлар ва меҳнат муҳофаза қилишни таминлаш;

- Бошқарув вақиллари жамоавий музоқараларда иштирок этишиларини таминлаш. Жамоа шартномалари ва битимларини имзолашда иш берувчи

сифатида иштирок этиш. Жамоа шартномалари буйича мажбуриятларни бажариш;

- Узининг ваколатларига кирадиган ишларнинг ҳолати тугрисида Ягона акциядор ва Кузатув кенгашига ўз вақтида тақдим утиш;

- Ягона акциядорнинг амалдаги конунчиликда назарда тутилган маълумотларини олиш, Ягона акциядорнинг қарорига қушилиши, акциядорга дивидендлар тулаш ва ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш;

- амалдаги конунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларга, ички ҳужжатларга риоя қилиш.

4.4. Бошқарув раисининг муайян ҳуқуқлари ва мажбуриятлари у билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланади.

V. Бошқарувнинг иш тартиби

5.1. Бошқарув мажлислари заруратга қараб қамида чорақда 1 марта утказилади.

Бошқарувнинг фикри раис еки у ваколат берган Бошқарув аъзолари томонидан Кузатув кенгаши ва Ягона акциядорлар йигилишида ҳисобот беради ва ҳимоя қилади.

5.2. Бошқарув мажлислари Бошқарув раиси еки унинг йуқлигида, тегишли равижда бажарилган баённомани тасдиқловчи Бошқарув аъзоларидан бири амалга оширилади.

5.3. Маъмурият ва ҳужжатлар ижросини назорат қилиш бошқармаси бошлиги еки унинг уринбосари Бошқарув мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади Бошқарув мажлислари баённомаларидан кўчирма қуйидагиларга тақдим этилади:

мажбурий тартибда Кузатув кенгаши раисига ва тафтиш комиссиясига;

Бошқарув Раиси розилиги билан бошқа мансабдор шахсларга ва аудитор сўровига кўра.

VI. Бошқарув аъзоларининг жавобгарлиги

6.1. Тузилаётган битимда Бошқарув аъзоларидан бири шу битимда молиявий манфаатдор бўлган ҳолда, манфаатдор эканлиги ҳақида қарор чиқаришдан олдин хабар беришга мажбур. Бундай ҳолларда битим тузиш тугрисидаги масала Кузатув кенгаши еки Ягона акциядорнинг амалдаги конунчилигига ва Компаниянинг Уставига мувофиқ қарор қабул қилиниши керак.

6.2. Бошқарув аъзолари жисмоний ва юридик шахслар билан бирга уларнинг манфаатлари ва мақсадини кўзлаб, ўз мансабидан фойдаланиши мумкин эмас.

6.3. Бошқарув аъзолари Компания мол-мулкини тасарруф этиш орқали шахсий фойда олишни кўзда тутишга йўл қўймадлигари лозим.

6.4. Бошқарув аъзолари иш жараёнида Компания маҳсулот сотувини ёки хизмат кўрсатишини мушкуллаштирувчи корхоналарни таъсис қилиш ёки таъсис этилиши чоғида қатнашиши тақиқланади. Бошқарув аъзоси Компанияда лавозимга тайинланган вақтдан бошлаб бундай корхоналарда ўз иштирокини тўхтатишга мажбур ва Кузатув кенгашига хабар бериши лозим.

6.5. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Компания уставига мувофиқ Бошқарув аъзолари ўз вазифаларининг бажарилмаганлиги ёки номувофиқ тарзда бажарилганлиги натижасида юзага келган зарар учун, зарарнинг тўлиқ равишда қопланишига акциядорлик жамияти олдида жавобгардирлар.

6.6. Компанияга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

6.7. Компания ёки Ягона акциядор Компанияга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Бошқарув аъзолари ёки аниқ бир Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.